

**АНВАРШОҲ КАШМИРИЙ ВА У ЯШАГАН ҲИНДИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ  
ҲОЛАТИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10557393>

**Маманосиров Фахриддин Нигматуллаевич**

*Тошкент ислом институти*

*катта ўқитувчиси*

**Сайдакбарова Нилуфар Сайдазиз қизи**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

*2-босқич магистранти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада XIX аср охири XX аср ўрталари Ҳиндистон тарихида диний-маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳамда бу даврда яшаб ижод қилган маърифатпарварларнинг фидокорликлари ёритилган. Хусусан Ҳиндистоннинг Каширий вилоятида туғилиб ўсган Анваршоҳ Каширийнинг ислом илмларига қўшган ҳиссаси ва у яшаган давр акс эттирилган. Инглиз мустамлакачилари томонидан мусулмон ва ҳиндуийлар ўртасида чиқарилган низолар, бунинг оқибатига юзага келган парокандалик қисқача айтиб ўтилган. Анваршоҳ Каширий ҳам мана шундай қийин ва таҳликали замонда яшаб ижод қилган. Барча диний илмлар ривожида ўз ҳиссасини қўшган.

**Калит сўзлар:** Каширий, мустамлака, мусулмонлар, ҳиндуийлар, Қуръон илмлари, тафсир, ҳадис, мусталаҳул ҳадис, фикҳ, усуул фикҳ, “Дору-л-улум”, “Қосимијя” жомеъа (университети)си, “Раҳмонийя” мадрасаси, “Дужра” оиласи, Лорд Небро, фатво, “қодиёнийлик”

**АНВАРШАХ КАШМИРИ И ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ СИТУАЦИЯ ИНДИИ,  
ГДЕ ОН ЖИЛ**

**Маманосиров Фахриддин Нигматуллаевич**

*Старший преподаватель Ташкентского*

*исламского института*

**Сайдакбарова Нилуфар Сайдазиз қизи**

*Международная исламская академия Узбекистана*

*магистрант 2-курса*

**Аннотация:** В данной статье рассматривается религиозно-просветительская, общественно-политическая жизнь в истории Индии с конца XIX до середины XX века, а также самопожертвование интеллектуалов, живших и творивших в этот период. выделено. В частности, отражен вклад Анваршаха

*Кашмири, родившегося и выросшего в Кашмирском регионе Индии, в исламские науки и период, в котором он жил. Кратко упоминаются конфликты, созданные британскими колонизаторами между мусульманами и индусами, и возникший в результате хаос. Анваршах Кашмири тоже жил и творил в такое трудное и опасное время. Он способствовал развитию всех религиозных наук.*

**Ключевые слова:** Кашмир, колонизация, мусульмане, индуисты, коранические науки, тафсир, хадис, мусталахуль хадис, фикх, усулуль фикх, «Дару-л-Улюм», община (университет) «Касимиия», медресе «Рахмания», семья «Дуджра», Лорд Небро, Фетва, «Кадиани»

## ANVARSHAKH KASHMIR AND THE SOCIAL AND POLITICAL SITUATION OF INDIA, WHERE HE LIVED

**Mamanosirov Faxriddin Nigmatullaevich**

*Senior teacher of Tashkent Islamic Institute*

**Saidakbarova Nilufar Saidaziz kizi**

*International Islamic Academy of Uzbekistan*

*2st stage graduate student*

**Annotation:** This article examines the religious, educational, socio-political life in the history of India from the late 19th to the mid-20th century, as well as the self-sacrifice of intellectuals who lived and worked during this period highlighted. In particular, the contribution of Anvarshakh Kashmiri, born and raised in the Kashmir region of India, to Islamic sciences and the period in which he lived is reflected. The conflicts created by the British colonialists between Muslims and Hindus and the resulting chaos are briefly mentioned. Anvarshakh Kashmiri also lived and worked in such difficult and dangerous times. He contributed to the development of all religious sciences.

**Key words:** Kashmir, colonialism, Muslims, Hindus, Quranic sciences, tafsir, hadith, mustalahul hadith, fiqh, usulul fiqh, "Doru-l-Ulum", "Qasimiyya" community (university), "Rahmaniyya" madrasa, "Dujra" family, Lord Nebro, fatwa, "Qadianism"

Анваршоҳ Кашмирий яшаган давр. Ҳиндиистон диёрининг фахри, аллома, шайх, муҳаддис, ҳанафий фақиҳи – Анваршоҳ Кашмирий XIX аср охири XX аср ўрталари Ҳиндиистон тарихида кузатилмаган исломий юксалиш асирида яшаб ижод этди. Бу даврда кўплаб моҳир уламолар исломий илмлар – Қуръон илмлари, тафсир, ҳадис, мусталаҳул ҳадис, фикҳ, усулул фикҳ борасида китоблар ёздилар. Олимлар кўзларни қувонтирадиган ва номларини абадий қолишида хизмат қиласидиган бебаҳо илмий асарларни дунё кутубхоналарга тақдим қилдилар.

Илм ва иймон аҳллари мадрасалар барпо қилиш ҳамда пок динни ҳимоя қиласидиган, она замин - Ҳиндистон диёри чегараларида сабит туродиган авлодни етиширишга эътибор қаратдилар.

Ҳақиқатда, бу диёрда кенг тарқалган мадрасалар Қуръон ва Суннат муҳофазасида, вайронкор даъватлар ва бузғунчи мазҳаблар босими остида қолган ёшлар онгини сақлашда муҳим рол ўйнаган. Мадрасаларнинг энг аввалида Ҳиндистон минтақасида мадрасалар асоси бўлмиш Девбанддаги “Дору-л-улум” номи билан машҳур бўлган жомеъаси, Саҳаранпурдаги “Мазаҳиру-л-улум” мадрасаси, Муродободдаги Шоҳи масжиддаги “Қосимийя” жомеъаси, “Имдодийя” мадрасаси, Дехлидаги “Раҳмонийя” мадрасаси, Лакнаудаги “Дору-л-улум” мадрасаси, Дабҳилдаги “Талиму-д-дин исломийя” жомеъаси катта аҳамият касб этган.

Анваршоҳ Кашмирий яшаган давр исломий илмлар кенг тарқалган ва гуллаб яшнаган давр ҳисобланади. Шу даврда илм-фанинг турфа хил соҳаларида китоблар ёзган истеъдодли ва етук олимлар кўп бўлган. Улар орасида таълиф, баҳс ва таҳқиқ соҳаларида ўзи ёлғиз бўлишига қарамай кўпларни ишини қилган олимлар бўлаган. Ашраф Алий Таҳонавий, Кашмирий шогирдларидан бўлган муфтий Муҳаммад Шафиъ Усмоний, тарихчи Мунозир Ҳасан Кийлоний ва муҳаддис Ҳабибурроҳман Аъзамий роҳимаҳуллоҳлар шулар жумласидан ҳисобланади.

Анваршоҳ Кашмирий етук олимларга замондош бўлган. Хусусан, Аллома Ашраф Алий Таҳонавий, Шайх Зафар Аҳмад Таҳонавий, Бу Рашид Аҳмад Гангхий (Рашид Аҳмад Гангхий тўлиқ исми Рашид Аҳмад ибн Ҳидоят Аҳмад Ансорий ўз замонасининг етук уламолардан бири бўлган. У замонасида сидқ, иффат, таваккул ва динни чуқур тушуниш беназир бўлган. У ҳижрий 1244/1828 йили таваллуд топган. Унинг қаламига мансуб бир қанча асарлар қолган. “Зубдату-л-маносик” улардан биридир. У киши 1323/1905 йили вафот этган) [1, 8.Б], Шайх, муҳаддис, аллома Халил Аҳмад Саҳаронфурий, Аллома, муҳаддис Зоҳир Шавқ Нимавий; Кашмирий шогирдларидан муфтий Муҳаммад Шафиъ Усмоний, тарихчи Мунозир Ҳасан Кийлонний ва муҳаддис Ҳабибурроҳман Аъзамий роҳимаҳуллоҳлар шулар жумласидан ҳисобланади.

Алломанинг ҳаёти. Муҳаммад Анваршоҳ Кашмирий Кашмир вилоятида таваллуд топган. Кашмир Ҳиндистон минтақасининг шимоли-ғарбида жойлашган.

Кашмир вилоятига ислом иккинчи аср ўрталарида кириб кела бошлаган. Бу ерларни Абу Жафар Мансур (136-158/753-774) халифалик даврида Ҳиндистон волийси Ҳишом ибн Амр Тағлабий фатҳ қилган. Халифа Муътасим (218-227/833-841) даврида ҳам ислом кенг тарқалди. [2, 83. Б]

Милодий 14-асрнинг аввалида бу вилоятда ислом дини мустаҳкам ўрин эгаллади. “Булбул” [3, 49.Б] номи билан машҳур бўлган даъватчи Кашмирга келгач, ҳокимларидан бири ислом динига кирган. Ҳокимга “Садриддин” деб ном қўйган. Садриддин Кашмирнинг биринчи мусулмон ҳокими ҳисобланган. Шунингдек, 740/1388 йиллар атрофида машур даъватчи Сайид Алий Ҳамдоний [4, 95. Б]

Форсдан Кашмирга келиши билан ҳам бу диёрларда ислом кенг тарқалди. Ҳамдонийга бу сафарида 700 дан ортиқ мусулмон даъватчилар ҳамроҳ бўлган. Шунга кўра Кашмир 740/1388 йилдан бери ислом давлатининг ажралмас бир қисми бўлиб қолди.

Шайх Кашмирий ҳижрий 1292-йил (милодий 1875-йил) ва ҳижрий 1352-йил (милодий 1933-йил)лар оралиғида яшаган. Ана шу вақтда “Дужра” оиласи Британия мустамлакачилиги остида Кашмир вилоятини 7.5 миллион рупия эвазига бошқарар эди. Кашмирий милодий 1857-йилдан 1885-йилгacha ҳукуматни бошқарган Маҳаражга Ранбир Сингҳ ҳукуматининг охирги йиллари ва ундан кейин ҳукуматни бошқарган Маҳаражга Пратап Сингҳ замонини ҳам кўрди. Бу ҳукумат мусулмонларга қарши қонунларда зулм қилиш, солиқларда таассублик қилиш ва уларга ёмон муносабатда бўлиш орқали машҳур бўлган.

Айни шу даврда мусулмонларни тириклай ёқиб юбориб, кулга айлантириб юборишга ҳукм қилиш воқеалари кўп содир бўлган.[5, 10.Б]

Инглизлар милодий 1857-йилги инқилоб муваффақиятсизликка учраганидан кейин ҳукмронликни ўз қўлига олди. Бу инқилобни мусулмонлар амалга оширган эди. Бундан кейин инглизларнинг мусулмонларга қарши ҳамлалари янада қаттиқлашди. Инсоният табиати жирканадиган ва уни жунбушга келтирадиган ўлдириш, сўйиш, ёқиш, осиш ва талон-тарож қилиш каби жирканч ишларни қилдилар.

Бу ҳодиса ўз кўзи билан кўрган Америкалик ёзувчи шундай дейди:

“Манзара даҳшатли эди. Инсонлар тириклайн ёқилар, инглиз ва сингҳлар улар атрофида ўтириб, буни кўриб роҳатланишар эди”. [6, 45. Б]

Инглизлар мусулмонларни мустамлакачиларига қарши чиқадиган ягона душман деб билгандари учун ҳам уларни қувиб чиқариш, хорлаш ва бутунлай йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилишар эди.

Британия губернатори Лорд Небро буни очик-ойдин эълон қилиб, шундай дер эди:

“Ҳиндистондаги исломий маданият Британиянинг энг ашаддий душмани. Британия сиёсати шу юртда келажакда Британияга таҳдид солиши мумкин бўлган хатарга қарши ёрдам берадиган ҳиндуийлик унсурларини киритишни асосий мақсад қилган”. [7, 235.Б]

Шайх Кашмирий бундай зулм ва синовларни ўз кўзи билан кўрган ёки эшитган. Булар унинг қалбида чуқур из қолдирган эди. Шунинг учун ҳам Кашмирий устози шайх Маҳмуд Ҳасаннинг инглизлар борасидаги фикрига мувофиқ эди. У инглизларни мусулмонлар учун душман деб билар эди. У инглизларни Ҳиндистон ерларидан қувиб чиқаришда машҳур ҳаракатларни амалга оширган шахс ҳисобланади. Шайх Кашмирий инглизларни дўст тутиш жоиз эмас, деб фатво берган кишилардан эди

Кашмирий даврида илмий ва диний ҳолат. Британия Ҳиндистонни мутамлака қилиши ва Кашмир вилоятини бошқарган Дужра ҳукумати мусулмон ҳинд ёшларида

илмий ва диний жиҳатдан катта из қолдирди. Дужра ҳукумати уларни дәхқончилик ва чорвачилик билан машғул қилиб қўйган эди. Зиммаларидағи солиқларни тўлаш учун тинмай меҳнат қилишар эди. Шу сабабли илм олишга фурсатлари бўлмаган ва илм олишдан кечикишган. Улар орасида илмсизлик, Қуръон ва суннатдан узоқлашиш кенг тарқалган эди.

Британия Ҳиндистонни босиб олиши ҳеч нарсага эътибор қаратмасдан мусулмонларни оммавий қиришга йўналган эди. Исломга қарши христианлаштириш компанияларини кўпайтишга кўп урғу берди. Илм ва маданият ўчоғи бўлган мадрасаларни бузиб, мусулмонларга кўмаклашиб турадиган вақф ташкилотларини йўқ қилди. Бор эътиборини мадрасаларга ёрдам қилиб турадиган бойларга қаратиб, уларни бундай иш қилишдан қайтарди. Баъзи заиф мусулмонларда ўзларининг жирканч ва разил мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаландилар. Бунинг натижасида “қодиёнийлик” фирмаси вужудга келди. Бу вазиятни янада чигаллаштириди. Улар мадарсалар барпо этишиди. Ўз ақидаларида мустаҳкамлаш йўлида таълим дастурларини ишлаб чиқдилар. Қолаверса, мусулмонлар таълим соҳасида жуда ортда қолганлари сабабли тўғри дин бўлмиш исломдан ҳам узоқлашдилар. Аллоҳ таоло Ўз фазли билан Ҳиндистон диёрида исломни муҳофаза қиласиган забардаст уламолар мадрасалар очишига имкон бермаганида, инлизлар ўз мақсадлари йўлида катта натижага эришиб, муваффақият қозонишган бўлар эди.

Кашмирий яшаган даврнинг ижтимоий ҳолати. Ҳар қандай даврдаги ижтимоий ҳолат ҳукмрон сиёсий вазиятга боғлиқ бўлади. Бу давр Кашмир устидан Дужра ҳукумати раҳбарлик қилиш даври бўлди. Шу вақт оралиғида мусулмонлар кўплаб фасод, зилзила, ёнғин ва тошқинлар ва ёмон яшаш шароит сабабидан озор чекишиди. Бу ҳолатлар уларни кундалик ҳожатларини қоплаш учун дәхқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишга мажбур қилди.

Бу нарсалар ўзига ишонмаслик, қўрқувнинг кенг ёйилиши, хулқлар йўқолиши ва қадриятлар қулашига олиб борди.

Британия Ҳиндистонни босиб олиш сиёсати инглиз ҳукмдорларига тараққиёт ва свилизация номида Farb маданиятини олиб кириш орқали атеизм ва турфа хил фасод ишларни ривошлантириш ҳамда ислом қадимийлик ва қолоқлик дини даъвоси орқали ислом одоб-ахлоқларига зид фаҳш ва беҳаёликни кенг тарқатиш, динлари бошқа-бошқа бўлсада, мусаффо осмон остида тинч-тотув яшаб келаётган ҳиндулар ва мусулмонлар ўртасида зиддиятларни келтириб чиқариш вазифасини юклиди. Натижада улар ўртасидаги дўстлик, муҳаббат ва бирдамлик ўрнини нафрат, иккюзламачилик ва ихтилоф эгаллади. Буларнинг барчаси шафқатсизларча босиб олинган Ҳиндистон устидан ҳукмронлик давом этиши ва уларга қарши қўзғолон бўлмаслиги учун қилинган ҳатти-ҳаракатлар эди. [8, 124.Б]

Жамиятда шундай катта бурилишлар бўлишига қарамай, Аллоҳ таолонинг фазли ва шу вақтгача хизмат қилган уламоларнинг чеккан мashaққат ва заҳматлари туфайли Ҳиндистонда исломнинг асл ҳолатини сақлаб қолишига эришилди.

1. Абдулҳай ибн Фахриддин Ҳасаний. Нузҳату-л-хавотири ва буҳжату-л-масомиъи ва-н-навазири. – Ҳайдаробод.: Мажлису доирати-л-маорифи-л-усмонийя, 1970. – Ж. 8. – Б. 148.
2. Шамсиддин Мұхаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияру аълами-н-нубала. – Байрут.: Muassisutu-r-risala, 1994. – Ж. 7. – Б. 83.
3. Шайх Шарофиддин Ҳусайнин фазл ва салоҳият билан танилган кишилардан бири. У киши Кашмирга 725/1324 йили келган. Кашмир аҳлининг аксар қисми шу киши туфайли ислом динига кирган. Қаранг: Абдулҳай ибн Фахриддин Ҳасаний. Нузҳату-л-хавотири ва буҳжату-л-масомиъи ва-н-навазири. – Ҳайдаробод.: Мажлису доирати-л-маорифи-л-усмонийя, 1970. – Ж. 2. – Б. 49.
4. Саид Аҳмад. Урду доирату-л-маориф ал-исламийя. – Покистон.: Шаъбату урду доирату маориф исламий, 2008. – Ж. 17. – Б. 302.
5. Саид Аҳмад. Урду доирату-л-маориф ал-исламийя. – Покистон.: Шаъбату урду доирату маориф исламий, 2008. – Ж. 17. – Б. 302.
6. Мұхаммад Миён. Уламо-и ҳинд кашандар мази. – Декли.: Мактабаи Бурхон, 1963. – Б. 59.
7. Жамил Абдуллоҳ Мұхаммад Мисрий. Ҳазиру-л-алами-л-исломий ва қазояху ал-муасиро. – Мадина.: Ал-жомеъту-л-исламийя, 1986. – Б. 337.
8. Сайид Ҳусайн Аҳмад Маданий. Нақши ҳаёт. – Карачи.: Дору-л-ишоати, 1979. – Ж. 1. – Б. 297.